

А Ж Р И М

2020 йил 4 август куни, жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: С.Эргашев

С.Икрамовнинг котиблигида, Бахмал туман прокурори ёрдамчиси О.Одиловнинг иштирокида,

1947 йил 1 январь куни Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, «ISLOM BIZNES HAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаган, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри Х.Абдужабборов маҳалласи, М.Курматов кўчаси 14-уйда яшаган, иш бўйича “муносиб ҳулк-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган Исламов Неъматни

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 177-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 3-қисми ва 25,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланишга оид 1-164-13-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, прокурорнинг фикри ва судланувчининг вакилининг кўрсатувини эшитиб, уларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи томонидан Н.Исламов Фориш туманидан давлат рўйхатидан ўтган «ISLOM BIZNES HAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, «BATIR KAPITAL SERWIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқовнинг ишончига кириб, келгусида 5000 АҚШ долларини ўз манфаатларини ўйлаган ҳолда қўлга киритишни олдиндан мақсад қилиб, Исламов Насиббекнинг Фориш туман собиқ МТПга қарашли металл конструкцияларни номаълум шахслар ўзбошимчалик билан олиб кетганлиги ҳақида 2013 йил 13 апрель куни ёзган аризасига асосан Фориш туман ИИБ жарима майдончасига киритилган Г.Бобохонова номида бўлган 2013 йил 13 апрель куни металл конструкцияларни олиб кетиш учун Фориш туманига Д.Сатторов бошқариб келган Нексия русумли, 01 0 272 МА давлат белгилли автомашинани Фориш туман ИИБ бошлиғи А.Тилабов билан гаплашиб олиб чиқиб бераман, бунинг учун унга 5000 АҚШ доллари бериш керак деб айтиб, 2013 йил 15 апрель куни Б.Содиқов томонидан Жиззах шаҳрида жойлашган «Кўк бозор»дан номаълум шахслардан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.049 сўм 18 тийин жами 10.245.900 сўм бўлган 5000 АҚШ долларини бозор баҳосида 13.500.000 сўмга хисоблаб сотиб олинган чет эл валютасини 2013 йил 25 апрель куни олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда.



Бундан ташқари, Н.Исламов Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, Жиззах шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқов билан 100.000.000 сўмга металл конструкцияларни сотиб олиш тўғрисида 2013 йил 11 апрелда 22-сонли икки томонлама шартнома тузиб, ҳар иккала хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган шартнома шартлари талабини бажариш мақсадида собиқ Фориш туман МТПда сақланаётган металл конструкцияларни Фориш тумани ҳудудидан олиб чиқиб кетишни таклиф этган Б.Содиқовнинг ишончига кириб, келгусида 5000 АҚШ долларини ўз манфаатларини уйлаган ҳолда қўлга киритишни олдиндан мақсад қилиб, «агарда Фориш туман ҳокими П.Маҳатовга 5000 АҚШ доллари бермасак, у металл конструкцияларни Фориш туман ҳудудидан чиқаришга рухсат бермайди» деб айтиб, 2013 йил 15 май куни Б.Содиқов Жиззах шаҳрида жойлашган «Кўк бозор»дан номаълум шахслардан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.073 сўм 97 тийин жами 10.369.850 сўм бўлган 5000 АҚШ долларини бозор баҳосида 13.500.000 сўмга хисоблаб сотиб олган бу чет эл валютаси хисобланган 5000 АҚШ долларини 2013 йил 20 май куни олиб, такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

Бундан ташқари, Н.Исламов Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқовга, Исламов Насиббекнинг Фориш туман муқаддам МТПга қарашли металл конструкцияларни номаълум шахслар ўзбошимчалик билан олиб кетганлиги ҳақида 2013 йил 13 апрель куни ёзган аризасига асосан Фориш туман ИИБ жарима майдончасига киритилган Г.Бобохонова номида бўлган 2013 йил 13 апрель куни металл конструкцияларни олиб кетиш учун Фориш туманига Д.Сатторов бошқариб келган Нексия русумли, 01 0 272 МА давлат белгили автомашинани Фориш туман ИИБ бошлиғи А.Тилабов билан гаплашиб олиб чиқиб бераман, бунинг учун унга 5000 АҚШ доллари беришим керак деб айтиб, 2013 йил 15 апрель куни Б.Содиқов томонидан Жиззах шаҳрида жойлашган «Кўк бозор»дан номаълум шахслардан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.049 сўм 18 тийин жами 10.245.900 сўм бўлган 5000 АҚШ долларини бозор баҳосида 13.500.000 сўмга хисоблаб сотиб олинган чет эл валютасини 2013 йил 25 апрель куни олиб, пора беришга сууиқасд қилганликда;

Шунингдек, Н.Исламов Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, Жиззах шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқов билан 100.000.000 сўмга металл конструкцияларни сотиб олиш тўғрисида 2013 йил 11 апрелда 22-сонли икки томонлама шартнома тузиб, ҳар иккала хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган шартнома шартлари талабини бажариш мақсадида муқаддам Фориш туман МТПда сақланаётган металл конструкцияларни Фориш тумани ҳудудидан олиб чиқиб кетишни таклиф этган Б.Содиқовга, «агарда Фориш туман ҳокими П.Маҳатовга 5000 АҚШ доллари бермасам, у металл



конструкцияларни Фориш туман худудидан чиқаришга рухсат бермайди» деб айтиб, 2013 йил 15 май куни Б.Содиқов Жиззах шаҳрида жойлашган «Кўк бозор»дан номаълум шахслардан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.073 сўм 97 тийин жами 10.369.850 сўм бўлган 5000 АҚШ долларини бозор баҳосида 13.500.000 сўмга хисоблаб сотиб олган чет эл валютаси хисобланган 5000 АҚШ долларини 2013 йил 20 май куни олиб, такроран пора беришга суиқасд қилганликда;

Шунингдек, Н.Исламов Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтиш «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқов билан 100.000.000 сўм миқдорида металл конструкцияларни сотиш тўғрисида 2013 йил 11 апрелда 22-сонли шартнома тузиб, ҳар иккала хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ металл конструкциялар учун тўлов тариқасида олиши лозим бўлган 100.000.000 сўм пулни «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ хисоб-рақамига банк муассасалари орқали тушириб олинишини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этмасдан, 100.000.000 сўм пулнинг 56.000.000 сўмини «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқовдан 2013 йил 25 май куни ҳолатида Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.077 сўм 92 тийин жами 41.558.400 сўм бўлган 20.000 АҚШ долларини бозор баҳосида 56.000.000 сўмга хисоблаб, 2013 йил 25 май куни гўёки тўлов амалга оширилаётганлигини ифодаловчи ҳаракати негизи асосида жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олганликда;

Бундан ташқари, Н.Исламов Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келиб, Фориш туманида давлат рўйхатидан ўтган «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқов билан 100.000.000 сўм миқдорида металл конструкцияларни сотиш тўғрисида 2013 йил 11 апрелда 22-сонли шартнома тузиб, ҳар иккала хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ металл конструкциялар учун тўлов тариқасида олиши лозим бўлган 100.000.000 сўм пулни «ISLOM BIZNES NAMKOR» МЧЖ хисоб-рақамига банк муассасалари орқали тушириб олинишини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этмасдан, бу 100.000.000 сўм пулнинг 56.000.000 сўмини «BATIR KAPITAL SERVIS» МЧЖ раҳбари Б.Содиқовдан 2013 йил 25 май куни ҳолатида Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги сўмга нисбатан 1 АҚШ доллари 2.077 сўм 92 тийин жами 41.558.400 сўм бўлган 20.000 АҚШ долларини бозор баҳосида 56.000.000 сўмга хисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 125-сонли ҳамда 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ва улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 407-сонли Қарорлари талабини қўпол равишда бузиб, 2013 йил 25 май куни тўлов тариқасида нақд олиб, жуда кўп миқдордаги савдо ёки хизмат кўрсатиш



қоидаларини бузганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 177-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 3-қисми ва 25,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Судланувчининг вакили Ж.Исламов судга мурожаат қилиб, марҳум Н.Исламов отаси бўлишлигини, отаси Н.Исламов 2020 йил 17 июль куни юрак қон томир ва нафас етишмовчилиги касаллиги билан вафот этганлигини, отаси Н.Исламовга оид жиноят ишини у вафот этганлиги сабабли ҳаракатдан тугатишга эътирози йўқлигини баён қилган ва бу ҳақда ариза тақдим этган.

Тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Инфекцион касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази Жиззах филиалининг 24.07.2020 йилги 1-сонли маълумотномасига кўра Н.Исламов 2020 йил 17 июль куни ўткир юрак қон томир ва нафас етишмовчилиги касаллиги натижасида вафот этганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандида айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда прокурорнинг жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, судланувчи Исламов Неъмат вафот этганлиги сабабли унга нисбатан бўлган жиноят ишини жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб, тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисми 3-банди ва 401,423-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилди.

А Ж Р И М :

Исламов Неъматга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 177-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 3-қисми ва 25,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят иши унинг вафот этганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисми 3-бандига асосан унинг айблилиқ масаласи ҳал этилмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Исламов Неъматга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози тараф ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судига хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

С.Эргашев

Аслига тўғри:

